

КОРХОНАЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБЛАРИНИНГ СОЛИҚ ҲИСОБЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ

Гайбуллаев Рахим Муродович

*ТДИУ СФ “Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва молия” кафедраси
мудири, и.ф.д.*

Қурбонбоев Хуршид

ТДИУ СФ магистранти

Аннотация: Мақолада хўжалик юрители субъектларининг солиқ режимлари асосида солиқ тўловлари бўйича ҳисоблар юрители боис, корхонада бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобларининг тўғри юритилиши ва бунинг учун бу ҳисобларни юрителида ўзаро интеграцияга киришишлари энг мақбул йўллардан бири сифатида тадқиқ қилинади. Бинобарин, корхона томонидан қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби ўзгарувчан ҳолат бўлиб, кичик бизнес субъектининг мақоми нисбатан доимийдир. Ушбу позиция нуқтаи-назаридан солиқ ҳисобини бухгалтерия ҳисобига интеграциялашувини қўллаш мантиқан тўғри бўлиши тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, интеграция, ҳисоб стандартлари, кичик корхона, ҳисоб счетлари, ҳисоб субсчетлари, солиқ режими.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада ривожлантириш турли тармоқлардаги корхоналарда бошқарув тизимини янги талабларга мослаштириш - ушбу субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тартиб қоидаларига бевосита боғлиқдир. “Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларни яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотларини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборат”[1].

Бухгалтерия ҳисоби кишилик жамияти ривожланиши, унинг фаолият юрители тартиби билан бевосита боғлиқдир. Америкалик соҳа олимлари профессорлар Б. Нидлз, Х. Андерсон ва амалиётчи-бухгалтер Д. Колдуэлларнинг фикрича: “Бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти билан бошқарув қарорларини қабул қилувчи кишилар ўртасида алоқа боғловчи восита бўлиб ҳисобланади”[2]. Бухгалтерия ҳисобининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи жамият тарраққиёти, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлган. Ғарб олимлари М.Р. Мэтьюс ва Х.Б. Перералар ўз дарсликларидан ижтимоий

таракқиёт ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги алоқани қуйидагича асослаганлар: "... ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар бухгалтерия ҳисоби асосий омилига айланган бўлса, ўз навбатида, ижтимоий ўзгаришлар ҳам бухгалтерия ҳисоби ривожланиши билан узвий боғлиқдир"[3].

Ўзбекистонлик соҳа олими, профессор М. Остонақуловнинг дарслигида ҳам жамият ҳаёти ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги алоқалар ўз аксини топган: "Жамият ҳаётини асоси моддий неъматлар ишлаб чиқариш бўлгани учун ҳам кишиларнинг ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиш, жамиятда бор бўлган меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини, шунингдек, меҳнат жараёнларини ҳисобга олиш мақсадида ҳисобдан фойдаланилган"[4]. Россиялик таниқли олим, профессор В.Ф.Палий бухгалтерия ҳисобининг предметини қуйидагича таърифлайди: "... бухгалтерия ҳисобининг предмети корхона фаолиятига маблағ сифатида киритилган капитал, унинг кўпайиши ёки камайиши билан боғлиқ жараёнлардан иборат"[5]. Гарвард университетининг (АҚШ) профессорлари Р.Энтони ва Дж. Рисларнинг дарслигида бухгалтерия ҳисобининг мазмуни қуйидагича ифодаланган: бухгалтерия ҳисоби – "...бу ахборотлардан фойдаланувчилар томонидан асосли баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш мақсадида иқтисодий ахборотларни аниқлаш, ўлчаш ва узатиш жараёнидир"[6].

Бу борада тадқиқотчи Е.Н.Потехина таъкидлаб ўтканидек, кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг юритилишига хос бўлган умумий муаммоларга қуйидагилар киради:

1) корхона бухгалтерия бўлими тузилмаси ва функцияларининг йўқлиги ёки мукамал эмаслиги;

2) махсус солиққа тортиш режимларини ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ўртасидаги муносабатларни аниқлашга ёрдам берадиган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатининг асосий элементлари таҳлил қилинмаганлиги[7].

Яна бир тадқиқотчи А.А.Попова фикрича, кичик бизнес учун бухгалтерия ҳисобининг муҳим муаммоси сифатида солиқ қонунчилиги талабларига мувофиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш жараёнини оптималлаштириш тақоза этилади, хусусан, даромад солиғини ҳисоблаш тартибида умумий солиққа тортиш тизимидан фойдаланиш, махсус солиқ режимлари остидаги фаолият турлари бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритишдир[8].

Таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тизими тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикасининг 20-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида (БҲМС) белгилаб берилган бўлиб, у «Кичик тадбиркорлик субъектлари

томонидан ҳисобни соддалаштирилган ҳолда юритилиши ва ҳисоботлар тузилиши тартиби тўғрисида» деб аталади[9]. Стандартнинг 1.2-бандида у «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун талаблари билан белгиланган умумий қоидалар билан бир каторда амал қилиши кайд этилган, лекин стандарт бухгалтерия ҳисобининг қонунда белгиланган талабларидан чекинишни билдирмайди. Стандартнинг 22-бандида кайд этилганидек, алоҳида операциялар ва ходисаларни батафсил акс эттириш, ўлчаш ва очиқ бериш мақсадларида у бухгалтерия ҳисобининг бошқа миллий стандартлари билан бирга пикда қўлланади..

Кўпгина кичик корхоналар бухгалтерия ҳисобини амалдаги - солиққа тортиш режимига мувофиқ амалга оширадilar. Кичик корхоналар учун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича стандарт тавсиялар мулкни ҳисобга олиш регистрлари ёрдамида ёки улардан фойдаланмасдан соддалаштирилган шаклда бухгалтерия ҳисобини юритиш имконини беради, аммо, таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисобининг анъанавий, масалан, журнал - ордер шаклидан фойдаланишни ҳам истисно қилмайди.

Кичик корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобидаги муҳим муаммо бу молиявий ҳисоботларни тайёрлашдир. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тузиш жараёнларини максимал даражада соддалаштириш ўрнатилган ҳисоб сиёсати асосида бундай ишчи Ҳисоб режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга асосланади ва бу ҳолатда уни ишлаб чиқишда амалиётда кичик бизнеснинг фаолиятини амалиётда иккита йўналишни ҳисобга олиш керак: 1) умумий солиқ режими ва соддалаштирилган солиқ тизимини қўллайдиган корхоналар томонидан анъанавий ҳисобдан фойдаланиш; 2) Ягона солиқ тизимига мувофиқ ишлайдиган корхоналар томонидан соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш.

Амалиётда асосан кичик бизнес субъектларининг жорий Ҳисоб жадвалларини таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, ушбу ёндашувга амал қилишади.

Кичик корхонада бухгалтерия бўлими барча хўжалик фаолияти фактларини доимий равишда ҳужжатлаштириши, бухгалтерия ҳисобининг ишончлилиги ва тўғрилигига эришиш учун ички назоратни амалга ошириши, шунингдек корхонанинг жорий ҳолати тўғрисида муҳим маълумотларни тақдим этиши керак.

Бухгалтерия ҳисобини сифатли амалга ошириш учун кичик корхона солиқ мажбуриятлари бўйича тўловларни тўғри ҳисоблаши керак, чунки уларнинг тўғри ҳисоблар олиб бориш хусусиятлари амалдаги солиқ режимига бевосита боғлиқ бўлиши тақоза этилади.

Махсус солиқ режимларидан фойдаланиш муайян чекловлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг солиқ тўловчи томонидан бузилиши махсус режимни қўллаш ҳуқуқини йўқотишга олиб келади, лекин бу ҳолатда кичик корхона ўз мақомидан маҳрум бўлмайди. Бинобарин, корхона томонидан қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби ўзгарувчан ҳолат бўлиб, кичик бизнес субъектининг мақоми нисбатан доимийдир. Ушбу позиция нуктаи- назаридан солиқ ҳисобини бухгалтерия ҳисобига интеграциялашувини қўллаш мантиқан тўғри бўлади.

Бундай интеграция, биринчи навбатда, бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги номувофиқликнинг асосий сабабларини кўрсатиб, хўжалик юритишдаги фактлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш билан боғлиқ. Иккинчидан, олинган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш орқали даромад солиғини ҳисоблаш бўйича операцияларнинг тўлиқлигини текшириш мумкин. - Учинчидан, интеграция бошқарув ходимларининг жорий фаолияти устидан назоратини кучайтиради, бу эса

битим нархи билан чекланмаган операцияларни аниқлайди, чунки улар даромад солиғи суммасини ўз ичига олган бўлиши зарур бўлади.

Даромад солиғи декларациясини тўлдиришда зарур бўлган бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тўплаш ва тизимлаштириш учун кичик корхоналар учун интеграция усуллари билан бирини танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади (1-жадвал).

Солиқ ва бухгалтерия ҳисобини интеграциялаш усулини танлаш - корхона маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашда қўйиладиган аниқ вазифаларга боғлиқ бўлади. Универсал схемани таклиф қилиш қийин иш, бироқ , усулларни танлаш учун маълум мезонлар ҳали ҳам мавжуддир.

Биринчи усул - қўшимча субсчётларни жорий этиш - бухгалтерия ҳисобидан фарқли равишда солиқ ҳисобида акс эттирилган муҳим кўрсаткичлар бўйича маълумотларни олиш имконини беради. Бу усулни қўллаш (қўшимча субсчётларни жорий этиш) солиққа тортиш мақсадларида акс эттирилган муҳим кўрсаткичлар бўйича маълумотни бухгалтерия ҳисобига караганда бошқача тарзда олиш мумкинлиги билан ўзини оқлайди.

Иккинчи усул қўшимча аналитик ҳисобларни жорий қилишни ўз ичига олади, агарки, хўжалик юритувчи субъект бу кўп йўналишли фаолиятни амалга ошириб ва синтетик бухгалтерия ҳисоби максимал даражада иштирок этган тақдирда.

1-жадвал

Кичик корхоналарда солиқ ва бухгалтерия ҳисобининг интеграцияси

<i>Тури</i>	<i>Афзалликлари</i>	<i>Камчиликлари</i>
<i>Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобидаги фарқларни акс эттириши учун қўшимча субсчётлар</i>	<i>Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби бўйича кам фарқларга эга бўлган ва корхонанинг Ҳисоблар режаси солиқ қонунчилигига қаратилган хўжалик юритувчи субъектларга тадбиқ этиши мақсадга мувофиқдир. Солиққа тортишдаги муҳим кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисобида умумлаштирилган</i>	<i>Солиққа тортиши ҳисобида турлича акс эттириладиган катта ҳажмдаги операцияларни амалга оширувчи корхоналар - бухгалтерия ҳисобининг ишчи режасини қўшимча субсчётлар билан сезиларли даражада ортиқча юклаш хавфини тугдиради ва бу фарқлар ҳисобга олиниши</i>
<i>Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобидаги фарқларни акс эттирувчи қўшимча аналитик ҳисоблар</i>	<i>Синтетик бухгалтерия тизими унинг ҳисоб-китоблари тўплами билан етарлича юкланган бўлса ёки солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқларнинг турлари аҳамиятсиз бўлса ва уларнинг тури доирасида таснифлаш зарурати туғилганда бу ижобий ҳолат</i>	<i>Катта ҳажмли аналитик маълумотлар бухгалтерия ҳисоби маълумотларини аниқлаштиришни ёмонлаштириши мумкин, шунинг учун усул кўп вақт талаб қиладиган ва самарасиз бўлиши мумкин.</i>
<i>Ушбу таҳлилий бўлимларда харажат-лар тўғрисидаги маълумотларни акс эттириши учун бухгалтерия ҳисоби счётларининг эркин</i>	<i>Даромад солиғи декларациясини тўлдириши бўйича ЎзР СК талаблари бўйича маълумотларни тўплаш ва таснифлашнинг энг самарали усули. Солиқ ва бухгалтерия ҳисобини параллел равишда олиб бориши имкониятини йўқ қилади</i>	<i>Ходимларнинг юқори малакаси счётлар бўйича таснифини ишлаб чиқишда ҳам, ушбу ҳисобварақлар бўйича маълумотларни тўплаш ва тизимлаштиришда ҳам талаб қилинади.</i>
<i>Хўжалик юритувчи субъектнинг баланс счётлари бўйича алоҳида операциялари</i>	<i>ЎзР СКнинг талабларига нисбатан баҳолашда фарқ қиладиган чекланган миқдордаги бухгалтерия операциялари билан амалга оширишимиз мумкин.</i>	<i>Солиқ ҳисобидаги даромадлар ва харажатларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттирилишини тегишли қийин ва уларни - бухгалтерия ҳисоби билан</i>

Қўшимча синтетик субсчётларнинг киритилиши билан бухгалтерия маълумотларини қабул қилиш ва бухгалтерия регистрларидан фойдаланиш янада қийинлашади, шунинг учун бу ҳолда аналитик маълумотлар бўлими афзалроқ бўлади. Бироқ, солиқ ҳисобини бухгалтерия ҳисобига интеграция қилиш учун қўшимча аналитик ҳисоблардан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларини мураккаблаштиради, қайта ишлаш ва тизимлаштириш жараёнини машаққатли ва самарасиз қилади. Кўпгина бухгалтерлар ҳисобларни таҳлилий маълумотлар

билан ортиқча юклашга ва суб-ҳисоблардан фойдаланишга қарши бўладилар.

Умумий солиққа тортиш режимини қўлайдиган кичик корхоналар учун ушбу таснифдаги харажатлар тўғрисида маълумот олишнинг энг самарали учинчи усул ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишда харажатларнинг таснифи харажатларнинг аниқ турларини тан олиш усуллари ва уларни гуруҳлаш нуқтаи-назаридан сезиларли даражада фарқланади. Бухгалтерия ҳисобининг мураккаб услубий муаммоси бу турли таснифларнинг мувофиқлашиши ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар доирасида ЎзР СК меъёрларига мувофиқ таснифланган харажатлар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши керак, яъни тўғридан-тўғри ва билвосита ажратилган ҳолда, тўлиқ ёки чегараланган меъёрларда ҳисобга олинади (2-жадвал).

2-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби счетларининг солиқ ҳисоби билан интеграциясини яратиш

<i>Ҳисоб номи</i>	<i>Субсчет номи</i>
<i>Моддий харажатлар</i>	<i>Тўғридан-тўғри моддий харажатлар</i>
	<i>Билвосита моддий харажатлар</i>
<i>Меҳнат харажатлари</i>	<i>Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари</i>
	<i>Билвосита меҳнат харажатлари</i>
<i>Ҳисобланган амортизация суммалари</i>	<i>Амортизация билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатлар</i>
	<i>Амортизация билан боғлиқ билвосита харажатлар</i>
<i>Бошқа харажатлар</i>	<i>Бошқа тўғридан-тўғри харажатлар</i>
	<i>Бошқа билвосита харажатлар</i>
<i>Нормаллаштирилган харажатлар</i>	<i>Солиқ солиши мақсадлари учун харажатлар (белгиланган нормалар доирасида)</i>
	<i>Белгиланган стандартлардан ортиқ харажатлар</i>
<i>Кечиктирилган харажатлар</i>	
<i>Фақат бухгалтерия ҳисобида тан олинган харажатлар</i>	<i>Жисмоний шахсларга тўловлар</i>
	<i>Бошқа харажатлар</i>
<i>Ташилотнинг умумий харажатлари</i>	

Кичик корхона солиқ даромадлари ёки харажатларининг ҳисоб-китоблари ва уларнинг бухгалтерия сметасидан ошиб кетиши ҳоллари каби алоҳида операцияларни баланسدан ташқари ҳисобварақларда акс эттириши мумкин. Бу факт даромад билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам аҳамиятлидир, чунки, улар учун солиқ ҳисобини счётлардаги солиқ харажатлари учун худди шундай ташкил қилиш имконияти чекланган бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби учун дастурий маҳсулотларни ишлаб

чиқувчилар, қоида тариқасида, ўз дастурларида ("1С: Бухгалтерия ҳисоби") ушбу параметрдан бутун солиқ ҳисоби тизимини яратиш учун фойдаланадилар. Бироқ, бу ёндошувда кўпинча параллел солиқ ҳисобини юритишга тўғри келади. Ушбу вазиятдан чиқиш йўли, эҳтимол, солиқ ҳисобидаги барча операцияларнинг тўлиқ акс эттирилишини тўлиқ ҳужжатли текшириш ёки бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ўртасидаги фарқларга олиб келадиган операцияларни мустақил равишда аниқлаш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни: «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири)». 2016 йил 13 апрель.
2. Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета / Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. -М: Финансы и статистика, 2003, с.13.
3. Мэтьюс М.Р. Перера, М.Х.Б. Теория бухгалтерского учета. Учебник./ Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. И. А. Смирновой.- М: Аудит, ЮНИТИ, 1999, с.65
4. Остонакулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. Иккинчи нашр.-Т: «Iqtisod-moliya », 2007, 5-б.
5. Палий В.Ф. Теория бухгалтерского учета: современные проблемы.- М: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2007, с.11.
6. Энтони Р. , Рис Дж. Учет: ситуации и примеры: Пер. с англ./ Под ред. и с предслов. А.М.Петрачкова –М: Финансы и статистика, 1996,с. 16.
7. Потехина Е.Н. Проблемы и пути совершенствования учета на малых предприятиях // Фундаментальные исследования. 2014. № 9. С. 1322-1325.
8. Попова А А. Проблемы учета в сфере малого бизнеса // Вестник магистратуры. 2016. № 6-4 (57). С. 176-178
9. Ўзбекистон Республикасининг 20-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида (БХМС) , «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобни соддалаштирилган ҳолда юритилиши ва ҳисоботлар тузилиши тартиби тўғрисида» 2004 йил 24 январ, (Адлия вазирлиги 879-сон).
10. Gaybullaev Rakhim Murodovich. (2022). CHARACTERISTICS OF ACCOUNTING IN THE ECONOMIC ACTIVITY OF SMALL ENTERPRISES I, PROBLEMS AND IMPROVEMENT. World Economics & Finance Bulletin (WEFB), 17, 139-142.

11. Gaybullaev Rakhim Murodovich. (2022). Prospects for Use of Digital Information Technologies in Accounting. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3, 244-253.
12. Гайбуллаев, Р. М. (2003). Экономическая активность предпринимателей в Республике Узбекистан. *Финансовый бизнес*, (6), 46-49.
13. Murodovich, G. R. (2022). SMALL BUSINESS DEVELOPMENT PROCESSES IN UZBEKISTAN. *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(2), 144-147.
14. Murodovich, G. R. (2022). Research of the Problems of the Functioning of Institutional Service Structures and Provision of Regulatory and Legal Criteria in this Sphere. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 208-211.
15. Murodovich, G. R. (2022). Considerations for Creating a Business Environment Based on Entrepreneurial Risk. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 318-320.
16. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Support of Small Business and Private Entrepreneurship in Uzbekistan through Loans of Commercial Banks. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 197-201.
17. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Increasing the Possibility of Management of Loan Portfolio Analysis in Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 17, 30-35.
18. Murodovich, G. R. (2022). Invitation of Population Funds in Uzbekistan Some Aspects of Private Investment Development. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 15-19.
19. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving the Loaning Process in Commercial Banks. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN*, 3(5), 10-15.
20. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Indonesia Problems of Population Banking of Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 190-196.
21. Murodovich, G. R., & Saidmurot, M. (2022). FINANCIAL SUPPORT OF THE POPULATION IN COMMERCIAL BANKS THROUGH MORTGAGE CREDITS. *World Economics and Finance Bulletin*, 9, 173-177.
22. Murodovich, G. R. (2022). Participation of Small Business and Private Entrepreneurship in the Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan Creating and Developing the Environment. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 417-420.

23. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving Bank Loan Portfolio Quality Management. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 54-60.

24. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Creating Conditions for Financing Small Business Entities through Bank Loans. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 45-48.

25. ГАЙБУЛЛАЕВ Р.М. (2021). ЗАКОНОМЕРНОСТИ СТАНОВЛЕНИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ. ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МОДЕРНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Материалы X Международной научно-практической конференции. Отв. редактор А.А. Бурмистрова [и др.]. Тамбов, 2021. Издательство: Издательский дом "Державинский"